

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро
комиссиянинг 2015 йил 3 ноябрдаги
2-сон мажлиси баёнига
шлова*

**Олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш
ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг аттестациясини
ўтказиш ва баҳолаш
ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонида мувофиқ қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари якунида тингловчилар олий ўқув юрти ректори ёки фан доктори илмий даражасини бериш бўйича Илмий кенгаш раиси раҳбарлигидаги илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислардан ташкил топган камида 7 кишидан иборат Аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтади. Аттестация комиссияларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида доимий фаолият юритадиган Идоралараро комиссиянинг қарори билан тасдиқланади.

2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари қуйидаги назорат турлари бўйича қайд этган кўрсаткичлари асосида аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади:

Жорий назорат:

Ўқув модуллари бўйича назорат. Ҳар бир модуль якунида бажариладиган жорий (ассисмент) топшириқлари. Тингловчиларга ўқув режасидаги модуль якунлангандан кейин модуль таркибига кирувчи фанлар бўйича умумлашган топшириқлар берилади ва унинг натижалари жорий назорат кўрсаткичи сифатида қайд этилиб борилади.

Педагогик (малакавий) амалиёт натижалари. Ўқув режасидаги модуллар бўйича ўқув жараёни якунлангандан кейин тингловчилар (педагог кадрлар) бириктирилган профиль кафедраларда (ташкилотлар, таълим муассасаларида) педагогик (малакавий) амалиёт ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида тингловчилар профиль кафедраларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар. Ҳар бир тингловчи педагогик амалиёт даврида кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ва тингловчи томонидан қилинган кузатув дарслари хулосалари, тингловчининг амалиёт ҳисоботи кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва натижалари баҳоланади ҳамда тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Бош илмий-методик марказ тингловчилари (раҳбар кадрлар)нинг малакавий амалиётлари битирув иши мавзусидан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқармалари, марказлари, таянч олий таълим муассасалари, Тошкент шаҳридаги хорижий давлатларнинг университетлари ва бошқа ташкилотлар базасида ўтказилади ҳамда тегишли муассасаларнинг раҳбарлари томонидан имзоланган малакавий ҳисоботни тақдим этадилар.

Тингловчиларнинг касбий фаолият кўрсаткичлари. Курслар давомида тингловчиларга Бош илмий-методик марказнинг электрон тизимида ўзларининг касбий фаолиятларида мустақил малака ошириш шаклларида охириги 3 йил давомида эришган натижаларини ҳамда талабалар учун ўзлари дарс бераётган фандан ўқув-методик мажмуалар ва бошқа дидактик материалларнинг электрон шаклда жойлаштириш учун махсус портфолио дастурий платформаси тақдим этилади.

Портфолиода тингловчилар мустақил малака ошириш шакллари: илмий конференцияларда қатнашиш, илмий журналларда мақолалар чоп этиш, очиқ дарслар ўтказиш, тажриба орттириш, педагогик маҳорат мактабида ўқиш, базавий таълим муассасаларида ўқиш, хорижий мамлакатларда малака ошириш, илмий лойиҳаларда иштирок этиш, дарслик ёки ўқув қўлланмалар ёзиш, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича тегишли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритадилар ва электрон тизим кўрсаткичларга мос баллни ажратади. Портфолио кўрсаткичлари тингловчиларнинг ўзини устида мустақил ишлаш самарадорлигини қайд этиб боровчи тизим сифатида аттестация комиссиясида тегишли хулосалар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Оралиқ назорат:

Он-лайн якуний тест синовлари. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасидаги ҳар бир модуль бўйича саволларни қамраб олган ҳолда тайёрланган тест саволлари асосида он-лайн якуний тест синовлари ўтказилади. Ҳар бир тингловчига 100 та тест саволлари берилади. Он-лайн тест синовлари якунида тингловчининг экранида умумий натижа ва ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш натижалари кўрсатилади. Он-лайн тест синовлари Бош илмий-методик марказнинг серверида жойлаштирилган электрон тизимга минтақавий ва тармоқ марказлари компьютерларининг уланиши ва тест синовларини марказлашган ҳолда видеокузатувини ёзиб бориш орқали ўтказилади.

Якуний назорат:

Аттестация комиссиясида битирув (лойиҳа) ишини ҳимоя қилиш. Тингловчиларнинг битирув (лойиҳа) ишини аттестация комиссиясида ҳимоя қилиниши асосида амалга оширилади. Бунда тингловчи битирув (лойиҳа) ишининг асосий натижалари бўйича тақдимотини ўтказилади.

3. Тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув фаолияти рейтинг тизими асосида назорат қилиниб борилади. Бунда назорат турлари бўйича баллар тақсимоти қуйидагича белгиланади:

№	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Изоҳ
Жорий назорат – 30 балл			
1.	ўқув модуллари бўйича назорат	15	Ҳар бир модуль якунида бажариладиган ассисмент топшириқлари, жами 6 та модуль бўйича ассисмент, ҳар бирига 2,5 баллдан берилади.
2.	педагогик (малакавий) амалиёт	5	Профиль кафедранинг баённомаси асосида расмийлаштирилади.
3.	тингловчининг касбий фаолият кўрсаткичлари	10	Электрон портфолио тизими асосида аниқланади. Ҳарбий ОТМлардан келган тингловчиларнинг касбий фаолият кўрсаткичлари 10 баллик тизимда берилган топшириқлар асосида аниқлаштирилади.
Оралиқ назорат – 50 балл			
4.	он-лайн якуний тест синовлари	50	Бош илмий-методик марказнинг ягона электрон тизимида ўтказилади.
Якуний назорат – 20 балл			
5.	Аттестация комиссиясида битирув (лойиҳа) ишини ҳимоя қилиш	20	
Жами: 100 балл			

4. Тингловчиларнинг жорий, оралиқ ва якуний назоратда қайд этган кўрсаткичлари электрон мониторинг тизимидаги тингловчининг шахсий аттестация варақасида акс эттирилиб борилади ва аттестация жараёнида комиссияга тингловчи бўйича тегишли хулоса чиқариш учун асос ҳисобланади.

5. Якуний назоратга жорий ва оралиқ назорат учун ажратилган жами 80 баллнинг камида 56% (44,8 балл)ни тўплаган тингловчилар киритилади.

6. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув лойиҳа ишини тақдимоти учун 10 минутгача вақт берилади.

7. Аттестация комиссияси қуйида келтирилган мезонларга риоя қилган ҳолда тингловчиларнинг битирув (лойиҳа) ишини баҳолайди:

Мезонлар	Максимал балл
Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, битирув (лойиҳа) ишининг концепциясини аниқ қўйилиши, унинг маънавий-маърифий, ўқув, илмий ва бошқа фаолият турлари мазмунини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлардаги замонавий талабларга мослиги.	2
Мавзу бўйича муаммони ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда асосли таҳлиллар (меъёрий ҳужжатлар, илғор таълим технологиялари, методик ёндашувлар ва б.) амалга оширилганлиги.	5
Ишлаб чиқилган таклифларнинг ўқув жараёнини сифатини таъминлаш, илмий ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши даражаси.	8
Тингловчининг креативлиги, нутқ маданияти, касбий компетентлик даражаси.	2
Тингловчининг берилган саволларга аниқ жавоб бериши, мустақил қарашларининг шаклланганлиги.	3
Жами:	20

8. Якуний назоратдан ўтиш баллини Аттестация комиссияси белгилайди. Бунда Аттестация комиссияси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг хусусиятидан келиб чиқиб, якуний назорат учун ажратилган баллнинг 56% дан кам бўлмаган ўтиш баллини белгилаш ҳуқуқига эга. Тегишли йўналиш учун ўтиш балли Аттестация комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

9. Аттестация комиссияси ҳар бир тингловчи бўйича ўзининг хулосасини унинг шахсий аттестация варақасида қайд этилган жорий, оралиқ ва якуний назорат турларидаги кўрсаткичлари асосида чиқаради.

Тингловчи аттестациядан ўтди ҳисобланиши учун унинг кўрсаткичлари жорий, оралиқ назоратдан камида 56% ва якуний назоратдан Аттестация комиссияси томонидан белгиланган ўтиш баллидан кам бўлмаслиги шарт.

10. Аттестация комиссияси ҳар бир тингловчи бўйича хулосасини унинг шахсий аттестация варақасида ва умумлашган қайдномада акс эттиради. Шахсий варақа ва умумлашган қайднома Аттестация комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

11. Аттестация комиссиясининг қарори унинг раиси томонидан тасдиқланадиган баённомалар билан расмийлаштирилади. Баённомада аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчилар рўйхати, курсларни ўзини ҳисобидан такроран ўтадиган тингловчилар рўйхати, узрли сабабларга кўра тингловчилар сафидан чиқарилганлар рўйхати, узрсиз сабабларга кўра тингловчилар сафидан чиқарилганлар бўйича тегишли қарорлар ўз аксини топади.

12. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини таркибининг камида 2/3 қисм аъзолари иштирок этганда олиб боради.

13. Мазкур тартибга ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

**Олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини оширишни ташкил этишнинг узлуксиз тизимида
мустақил малака ошириш шакллари баҳолаш мезонлари**

№	Мустақил малака ошириш шакллари	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Баллар тақсимоги	Жами балл
1.	Умумқасбий ва мутахассислик фанлари бўйича Республика ва Халқаро олимпиада, спорт мусобақаси ва бадий кўргазмаларда ғолиб ва совриндор бўлган талабалар	Халқаро	20	20
		Республика	10	
2.	Патентлар ихтиролар ва рационализаторлик таклифлар	Патент	10	10
		Ихтиро	5	
		Рационализаторлик таклифи	5	
3.	Моделлар ва дастурлар яратишдаги иштироки	Модел	5	5
		Дастур	5	
4.	Монография ва илмий мақолалар чоп этилганлиги	Монография	Якка муаллифликда -10 Ҳам муаллифликда - 5	10
		Илмий мақола (Республика илмий журналларида, <i>бир йилда 2 та дан кам бўлмаган</i>)	Якка муаллифликда -7 Ҳам муаллифликда - 5	
		Илмий мақола (Хорижий рефератланган илмий журналларида, <i>бир йилда 2 та дан кам бўлмаган</i>)	Якка муаллифликда -10 Ҳам муаллифликда - 7	
5.	Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялардаги тезислар	Халқаро миқёсда (<i>бир йилда 2 та дан кам бўлмаган</i>)	10	10
		Республика миқёсида (<i>бир йилда 2 та дан кам бўлмаган</i>)	7	
		ОТМ миқёсида (<i>бир йилда 2 та дан кам бўлмаган</i>)	5	
6.	Янги педагогик ва АТ жорий этишга доир ўқув-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишдаги иштироки	Янги педагогик технологияларни	5	10
		Замонавий АКТларни	5	
7.	Маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларидаги иштирок	Раҳбар	30	30
		Ижрочи	15	

8.	Нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар	Дарслик	Якка муаллифликда -30 Ҳам муаллифликда - 15	30
		Ўқув қўлланма	Якка муаллифликда -20 Ҳам муаллифликда - 10	
9.	Очиқ маърузалар ташкил этилганлиги (<i>Ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасаларида</i>)	Очиқ ўқув машғулотларни	5	10
		Соҳага оид "Мастер-класс" ташкил этиш	10	
10.	Тажриба орттириш	Ишлаб чиқариш корхоналарида	10	10
		Ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасаларида	10	
		илмий тадқиқот муассасаларида	10	
11.	Педагогик маҳорат мактабида ўқиш	Эришилган натижалар асосида (кўргазма, конкурс, танлов ва бошқалардаги иштироки орқали)	10	10
12.	Базавий таълим муассасаларида ўқиш	<i>Қисқа муддатли дастурлар асосида ўқиш</i>	5	10
13.	Хорижий мамлакатларда малака ошириш	Махсус дастурлар асосида	15	15
		Қисқа муддатли дастурлар асосида	10	
14.	Докторлик диссертацияси ҳимояси	Тегишли дипломлари мавжуд ҳолларда	20	20
Жами тўплаш мумкин бўлган балл:				200